

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХРАРОВА ФЕРУЗА МАХМУДЖАНОВНА

**БИРИКТИРУВЧИ ТЎҒИМА ДИСПЛАЗИЯСИНИНГ
КАРДИАЛ КЎРИНИШЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ЮРАК-ҚОН
ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ахрарова Феруза Махмуджановна

Бириктирувчи тўқима дисплазиясининг кардиал
кўринишлари бўлган болаларда юрак-қон томир
касалликлари шаклланишини клиник-патогенетик асослаш.....3

Ахрарова Феруза Махмуджановна

Клинико-патогенетическое обоснование формирования
сердечно - сосудистой патологии у детей с кардиальными
проявлениями дисплазии соединительной ткани.....20

Akhrarova Feruza Makhmudjanovna

Clinical-pathogenetic justification of the
cardiovascular disease formation in children with cardiac
manifestations of connective tissue dysplasia.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХРАРОВА ФЕРУЗА МАХМУДЖАНОВНА

**БИРИКТИРУВЧИ ТЎҒИМА ДИСПЛАЗИЯСИНИНГ
КАРДИАЛ КЎРИНИШЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ЮРАК-ҚОН
ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib558 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муратходжаева Акида Валиевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Н. Хаитов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бириктирувчи тўқима дисплазияси (БТД) муаммосининг долзарблиги кичик аномалияларнинг кенг даражада тарқалиши, хусусан, унинг кардиал кўринишлари билан белгиланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...юрак ривожланишининг кичик аномалиялари 2,2 дан 10% гача ҳолатларда, юрак-қон томир тизими патологияси бўлган болаларда - 10-25% ҳолларда (68,9% гача беморларнинг турига қараб) учрайди...»¹. Сўнгги йилларда юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишлари, шу жумладан ритм ва ўтказувчанлик, шунингдек туғма нуқсонли болалар сонини кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Болалардаги ва уларнинг ота-оналаридаги кардиологик патология орасида боғлиқлик бўлиб, кўплаб кардиологик касалликларга ирсий мойиллик аниқланади, ҳамда уларнинг олдини олишга янги ёндашувлар талаб этилади. Юрак ривожланишининг кичик аномалиялари (ЮРКА) – БТДни намоён бўлишининг бир тури ҳисобланади. Адабий манбаларга кўра, ЮРКА аввалги тахминларга кўра кўпроқ учрайди, аммо тадқиқотлар асосан унинг энг кенг тарқалган шаклларига тегишли. Булар митрал қопқоқ пролапси - 37-38%, трикуспидал қопқоқнинг пролапси - 87%, чап қоринчанинг алоҳида сохта хордаси - 94%.

Жаҳон амалиётида БТД фонидида бир қатор касалликларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, ЮРКАнинг турли хил шакллари бўлган беморларни олиб бориш, ЮРКА фонидида турли касалликларга чалинган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш тамойиллари ишлаб чиқилмоқда. Сўнгги йилларда ЮРКА муаммосига катта қизиқиш кўрсатилаётганига қарамай, ЮРКА касаллиги бўлган болаларда юрак-қон томир патологияларининг шаклланишига оид кўплаб масалалар ҳанузгача яхши ўрганилмай қолмоқда.

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, болалик давридаги ўлимни камайтириш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² вазифалари белгиланган.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли

¹World Health Organization [Internet]. United Nations to establish WHO-led interagency Task Force on the Prevention and Control of Noncommunicable Diseases. Geneva: WHO; 2013.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ–3071-сон Қарори.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида” Фармони ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига мутахасислашган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3340-сонли 2018-2022 йилларга мўлжалланган туғма ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича давлат дастури”, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли “Тиббий ва фармацевтика таълими ва фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, ҳамда шу соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш ЮРКАга бўлган муносабат турлича қолаётганини кўрсатади. Катталарда ЮРКАнинг юқори даражада тарқалишини ва кўп ҳолларда у енгил кечиши ва прогноз жихатдан яхши эканлигини ҳисобга олиб, кўпгина клиницистлар ЮРКАни патологик ҳолат деб ҳисобламайдилар. Аммо, амалий иш бўйича тўпланган кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бу фикрни ушбу юрак хасталигига чалинган барча беморларга қўллаш мумкин эмас. Далиллар бу беморларда бир қатор асоратлар хавфи юқорилигини кўрсатади. Бирламчи юқумли эндокардитнинг тахминан 30 фоизи митрал қопқоқ пролапси фонида ривожланади (Магомедова Ш.М., 2014). Жиддий митрал регургитацияси мавжуд бўлганда, митрал қопқоқ пролапси бор беморларда тўсатдан ўлим хавфи 50-100 баравар ортади. Диспластик юрак ёшларда кўпгина тўсатдан юрак ўлим ҳолатининг асоси бўлиб, бунда юрак ритминини ва ўтказувчанлигини фетал бузулиши, аорта, коронар ва мия артерияларининг ёрилиши ва аневризмалари сабаб бўлади.

ЮРКАнинг тарқалиши асосан бутун популяцияда ўрганилган, аммо маълумотлар бир-бирига зид келади. Шундай қилиб, аномал жойлашган хордани аниқлаш тезлиги 2,5 дан 95% гача, митрал қопқоқ пролапси популяцион тезлиги 1,8 дан 58% гачани ташкил қилади.

С.Ф. Гнусаевнинг фикрига кўра, болада 3 дан ортиқ ЮРКАни мавжудлиги унинг соғлиғини ёмонлигидан далолат беради. Кўпинча, болаларда соғлиғидаги ўзгаришлар ЮРКАни танадаги бошқа БТД белгилари, айниқса суяк-бўғим тизими ва тери дисплазияси билан зарарланиши бор бўлган болаларда аниқланади.

ЮРКА бўлган болаларда, популяцияга нисбатан қаралганда, кўпроқ готик танглай, ясси оёқлик, бўғимларнинг гипермобиллиги, қулоқ супраси аномалияси, эпикант, кўз гипертелоризми, терида "сутли қаҳва" рангидаги доғлар аниқланади.

Захарова Ю.В. (2011) адабиётлар таҳлили ва шахсий тадқиқотлари натижасига кўра, ЮРКА бўлган болалар шундай гуруҳни ташкил қиладики, унинг сонига ва яқоллик даражасига, ҳамда БТД бошқа белгиларининг мавжудлигига қараб табақалаштирилган ҳолда ёндашиш зарур, деб ҳисоблайди. Сўнгги йилларда БТД фонида кечувчи бир қатор касалликларнинг хусусиятлари тўғрисида ишончли маълумотлар олинди.

Иванникова А.С. (2015), томонидан ўтказилган тадқиқот БТДнинг пастки нафас йўллари касалликларига ва бронхопальмонал патологияси бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини пасайишига салбий таъсири борлигини аниқлашга ёрдам берди, шунингдек БТД фонида пастки нафас йўллари касалликлари бўлган болаларни ҳар томонлама ташхислаш, кузатиш ва реабилитация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

Воропай А.Л., Пирожкова Н.И. (2014) БТДли беморларга Элькарнинг вегетатив бошқарувда ижобий таъсирини тасдиқлаб, миокардда реполяризация жараёнини яхшиланишини, синусли тахикардия ва қоринча усти экстрасистолиясини камайишини, қоринча экстрасистолияси ва I даражали атриовентрикуляр блокада яхшиланишини аниқлади. Ярим беморларда синусли аритмия ва ритм бошқаруви миграцияси йўқолди.

Э.М. Спивак ва А.Л. Карпова (2014) янги етилиб туғилган чақалоқларда кўп ҳолатларда (94,3%), эрта неонатал даврда очик овал тешик эхокардиографияда қайд этилганлиги қайд этилган. Кузатувларнинг ярмида (51,3%) диаметри 1 дан 3,5 мм гача ($1,7 \pm 0,7$ мм) бўлган очик артериал йўли аниқланди. ЮРКАнинг бошқа вариантлари орасида 66,5%да чап қоринча хордасининг аномал (ЧҚХА) жойлашуви, камдан-кам ҳолларда аномал трабекулалар (ЧҚАТ, 1,9%) ва бўлмачалар аро деворнинг аневризмаси (БАДА, 2,5%) аниқланди.

ЮРКАнинг турли вариантлари бўлган беморларни кузатуви кўп муаллифлар томонидан ўрганилган: митрал қопқоқ пролапси, БТДни синдромли кўринишлари, ЮРКАни фенотипик белгилари бор беморларни кузатуви, уларга диетотерапия и медикаментоз терапия ўтказиш А.И. Мартынова (2013) томонидан услубий қўлланмасида ишлаб чиқилган. ЮРКА фонидаги ҳар хил касалликли беморларни реабилитацияси қатор тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Э.В. Земцовскийнинг монографиясида (2012) юракнинг бириктирувчи тўқимаси дисплазияси касаллиги бўлганларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари муҳокама қилинган. Сўнгги йилларда юракнинг бириктирувчи тўқима дисплазияси синдромининг асосий белгиларига бағишланган нашрларнинг кўп бўлишига қарамай, ЮРКА касаллиги бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини эрта ташхислаш бўйича кўплаб саволлар бугунги кунда жавобсиз қолмоқда ва ушбу тадқиқотни олиб боришга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг (давлат рўйхати № 01980006703) илмий-тадқиқот ишлари режасига қиради ва

институт Кенгашининг 8-сонли протоколи билан тасдиқланган (рўйхатга олиш рақами ОНМИ ГНМБ ЎзР ССВ № 001425 22.03.2017 й.)

Тадқиқот мақсади юракнинг кичик аномалиялари бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини шаклланишини клиник ва патогенетик механизмларини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

юракнинг кичик аномалияларини тузилишини ўрганиш ва бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда етакчи юрак-қон томир патологиясини аниқлаш;

юракнинг кичик аномалияси бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясининг шаклланишига хавфли омилларининг таъсирини баҳолаш;

юрак ривожланишининг кичик аномалияси бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини ташхислаш ва прогнозлашда ташқи фенотипик белгилар ва бириктирувчи тўқима дисплази стигмасининг ахборотлигини аниқлаш;

юрак ривожланишининг кичик аномалияси фонидаги юрак-қон томир патологиясини ташхислашда лаборатор-инструментал текширувлар натижаларини диагностик аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида 4-Шахар клиник болалар шифохонасида ҳамда ТошПТИ клиникаси назоратида бўлган 6 ойдан 16 ёшгача 115 нафар болалар олинди, улардан 95 нафарини БТДга чалинган ва ЮРКА бўлган беморлар ва 20 нафарини соғлом болалар ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак-қон томир патологияси бўлган болаларда ЮРКАнинг таркиби аниқланган ва юрак стигматизациясининг чегара даражаси ўрнатилган, бу кўрсаткичнинг ортиши прогностик жихатдан бола соғлигини шаклланишига хавф туғдиради. Аниқланган БТДнинг учта стигмаси кичик юрак аномалиялари ташхиси учун юқори кўрсаткич ҳисобланади;

ЮРКА бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясининг шаклланишига таъсир этувчи салбий омилларнинг атрибут ва нисбий хавфи баҳоланган;

ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бўлган болаларнинг оилаларида юрак-қон томир патологияларининг наслий хусусиятга эгаллиги аниқланган;

ЮРКА бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини ташхислашда БТД ташқи фенотипик белгиларининг маълумотлилиги аниқланган;

илмий жихатдан микроэлементлар кўрсаткичида дисбаланси бор болаларни аниқловчи микроэлементлар статусининг аҳамияти тасдиқланган, ҳамда уларни соғлиғига хавф туғдирувчи дисбаланс даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ЮРКА ривожланишига таъсир қилувчи хавфли омиллар ҳақида олинган маълумотлар юқори хавф гуруҳини фарқлашга ва уни олдини олиш бўйича чора тадбирларни қўллашга имкон беради;

ЮРКА бўлган болаларнинг яқин оила аъзолари соғлиғи ҳақидаги маълумотлар уни эрта олдини олиш бўйича, айниқса, юрак-қон томир касалликлари бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради;

юрак-қон томир касалликлари ривожланишида юқори хавфи бор болалар шифокор томонидан доимий кузатувда бўлиши керак;

хавф омиллари бўлган болаларни кенг қамровли текширишда яқин қариндошларида ЮРКА, юрак-қон томир касалликлари белгилари намоён бўлганда электрокардиография, ЭхоКГ каби текширувлар киритилиши керак, бу ўз навбатида жараён оғирлиги ва уларни йўқотиш учун қўлланиладиган даволаш чоралари ҳақида кенг тасаввур берувчи усул ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувнинг, усулларнинг тўғрилиги, ўтказилган текширувларнинг методологик жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлиги, статистик тадқиқот усулларида қайта ишлаш, шунингдек, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, юрак-қон томир патологияси бор болаларда юракнинг кичик анормалиялари ривожланишини таркибий жиҳати тасдиқланди ва ЮРКАли болаларда юрак-қон томир патологияси ривожланиши тахмин қилишга ёрдам берадиган юрак стигмасини чегара даражаси аниқланди. ЮРКАли болаларда юрак-қон томир патологиясининг шаклланишига таъсир этувчи салбий омилларнинг атрибут ва нисбий хавфи баҳоланди. Микроэлементлар дисбаланси боланинг саломатлигига хавфли таъсир этишини ҳисобга олиб, микроэлементлар статусини текшириш аҳамиятлилиги асосланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари болаларнинг соғлиғини сақлаш ва яхшилаш, хавф остида бўлган болалар гуруҳларини реабилитация қилишга йўналтирилган минтақавий муаммони ҳал қилишда фойдаланилади. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, амалий тиббиёт учун ЮРКА бўлган болаларда хавф омиллари, юрак-қон томир патологиясининг шаклланиш даражаси ва хусусияти тўғрисидаги маълумотлар таклиф этилди. Болаларда ЮРКА ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида олинган натижалар юқори хавф гуруҳларини аниқлашда ва уни ривожланишини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларини ўтказишга ёрдам беради. Натижаларни генеалогик таҳлили касалликни, айниқса, юрак-қон томир тизими касалликларини, эрта профилактик чора тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда бириктирувчи тўқиманинг ирсий касалликлари (БТИК) ва ЮРКА ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болаларда бириктирувчи тўқиманинг ирсий касалликларини ташхислаш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 11.03.2019 йилдаги № 8 н-р/86-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома болаларда БТИК ва ЮРКАни эрта ташхислаш, шунингдек, ушбу касалликларнинг асоратини олдини олишга имкон берди;

болаларда БТИК ва ЮРКАни ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, Тошкент шаҳар 4-сонли Шаҳар болалар клиник шифохонаси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникаси фаолиятига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.09.2019 йилдаги № 8 н-д /196-сонли маълумотномаси). Натижалар БТИКни аниқлаш миқдорини ортишига, касаллик кечиши, келиб чиқадиган асоратларни прогноз қилишга ва коррекция тадбирларини ўз вақтида қўллашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилиш. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий ишлар чоп этилди, шундан 5 та мақола: 3 таси республика ва 2 таси хорижий фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, 2 та мақола маъруза тўпламларида, 12 та тезис тиббий илмий-амалий анжуманларнинг тўпламларида ва 1 та методик тавсиянома.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, 3 та боб шахсий кузатувлар, муҳокамалар, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий тадқиқот натижаларининг аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **"Юрак-қон томир патологияси таркибидаги бириктирувчи тўқима дисплазияси"** номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Юракнинг бириктирувчи тўқима дисплазияси билан ва унинг болаларда юрак-қон томир касаллигининг ривожланишига боғлиқ бўлган замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **"Текширилаётган болаларнинг хусусиятлари ва тадқиқот услублари"** номли иккинчи боби объектларни ва тадқиқот

усулларини тавсифлашга бағишланган. Жами 6 ойликдан 16 ёшгача бўлган 115 бола текширилган (ўртача $10 \pm 0,7$ ёш), улардан 95 нафари БТД ва ЮРКА билан ва назорат гуруҳини ташкил этган шундай ёшдаги 20 та соғлом болалар. БТДга чалинган 95 боладан 55 нафари - I гуруҳ - юракнинг кичик аномалиялари фонида юрак-қон томир патологияси бўлган ва 40 нафар бола - II гуруҳ - юракнинг кичик аномалиялари фонида юрак-қон томир патологияси бўлмаган болалардир. I гуруҳдаги 55 та боладан 33 таси ўғил болалар (60%), қизлар – 22 та (40%). II гуруҳдаги 40 та боладан ўғил болалар – 21 та (52,5%), қизлар – 19 та (47,5%). Назорат гуруҳига 20 нафар соғлом бола бўлиб, улардан 11 таси (55,0%) ўғил ва 9 таси (45,0%) қиз болалар эди. Тадқиқотлар ТошПМИ клиникасининг болалар кардиоревматологияси бўлимида (бош шифокор Усманова Г.М.) ва Тошкент шаҳри 4-сонли болалар клиник шифохонасининг кардио-ревматология бўлимида (бош шифокор Ақилова Ф.А.) олиб борилган.

БТД бўйича наслий анамнез таҳлил қилинган, ҳаёт ва касаллик тарихи, беморнинг тиббий тарихини таҳлил қилиш, мавжуд соматик ҳолатни баҳолаш, бириктирувчи тўқима (суяк, бўғим, эктодермал, мушак) тизимли жароҳатларини ташқи белгиларини аниқлаш учун клиник кўрув ўтказиш, бўғимларни гипермобиллик синдромини аниқлаш ўтказилди. Ҳар бир аниқ болада БТДнинг оғирлигини аниқлаш балларнинг йиғиндиси натижасида амалга оширилди. БТД оғирлигининг биринчи даражасида (меъёр варианты) умумий балл 12 дан ошмаслиги керак, ўртача даражада - 23, оғир даражасида - 24 ва ундан кўп балл бўлади. Юрак-қон томир тизимининг патологиясини аниқлашда юракнинг аускультацияси, 12 та йўналишдаги стандарт ЭКГ тинч ҳолатда, ЭхоКГ, Холтер ЭКГ мониторинги ва қон оқими тизими ҳолатини баҳолаш амалга оширилди. Лаборатория усулларида умумий қон, сийдик тахлили, қондаги гидроксиполин (ГОП) даражаси, коллагенспецифик бўлган микроэлементлар (Se, Cu, Mn, Mg) кўрсаткичлари ўрганилди.

Диссертациянинг **"Текширилган беморларнинг клиник хусусиятлари"** номли учинчи бобида текширилган болаларда юракнинг кичик аномалиялари тузулишини характеристикалари ва уларнинг клиник кўриниши келтирилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ЮРКАнинг энг кенг тарқалганлари қуйидагилар: мос равишда I- ва II-гуруҳларда митрал қопқоқ пролапси (МКҚП) - 50,9% ва 35%, чап қоринчанинг аномал хордаси (ЧҚАХ) - 47,3% ва 47,5%. ЧҚАХ кўп беморларда аниқланган, БТДни I-даражасида I-гуруҳ (60%) ва II-гуруҳда (71,4%) ҳам. МКҚП кўпинча БТДни II-даражали (64,2% ва 47,3%) ва III-даражали (66,6% ва 42,8%) оғирлигида текширилган болаларнинг иккала гуруҳида ҳам аниқланган. Касалликнинг аниқланиш миқдори бўйича учинчи ўринни бўлмачалар аро тўсиқ (БАТ) аневризмаси эгаллайди, биз текширган болалар орасида асосан II-гуруҳга тўғри келади: I-даражали оғирликда БТД-12,5%, II-даражада - 10% ва III-даражада - 25%. Коронар ўнг қоринча фистуласи I-гуруҳда бир беморда топилган, трикуспидал қопқоқ пролапси БТДни I-даражали оғирлигида I-гуруҳда 1 беморда ва 2 та II-даражасида, ҳамда 4 та II-гуруҳда БТДни II-даражасида аниқланди (жадвал 1).

ЧҚАХ ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бўлган ўғил болаларда (51,5%), юрак-қон томир патологиясиз ўғил болаларга (33,3%) нисбатан кўпроқ учраган. Бундан фаркли ўларок, II-гурух қизларида ЧҚАХ (63,1%) улуши юқори бўлди. МКП I-гурух қизларида устунлик қилди (72,7%). II-гурухда 5 та ўғил болаларда (23,8%) БАТ аневризмаси топилган. Трикуспидал қопқоқ пролапси иккала гуруҳда ҳам яқка холда аниқланди.

1- жадвал

Оғирлик даражасига қараб ЮРКАни аниқланиш тезлиги (%)

ЮРКА	I-гурух (n =55)			II-гурух (n = 40)		
	I даража (n = 26)	II даража (n = 24)	III даража (n = 5)	I даража (n = 14)	II даража (n = 19)	III даража (n = 7)
ЧҚАХ (n = 45)	60% (n = 16)	35,7% (n = 8)	33,3% (n = 2)	71,4% (n = 10)	36,8% (n = 7)	28,5% (n = 2)
МКП (n = 42)	33,3% (n = 9)	64,2% (n = 16)	66,6% (n = 3)	14,3% (n = 2)	47,3% (n = 9)	42,8% (n = 3)
Коронар ўқ фистуласи (n = 1)	0% (n = 0)	4,2% (n = 1)	0% (n = 0)	0% (n = 0)	0% (n = 0)	0% (n = 0)
БАТ аневризмаси (n = 6)	0% (n = 0)	4,2% (n = 1)	20% (n = 1)	7,1% (n = 1)	10,5% (n = 2)	14,3% (n = 1)
Трикуспидал қопқоқ пролапси (n = 7)	3,8% (n = 1)	8,3% (n = 2)	0% (n = 0)	0% (n = 0)	21% (n = 4)	0% (n = 0)
ўА аневризмаси (n = 1)	3,8% (n = 1)	0% (n = 0)	20% (n = 1)	0% (n = 0)	0% (n = 0)	14,3% (n = 1)

ЮРКА бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясининг пайдо бўлиш хавфини аниқлаш мақсадида болаларнинг ота-оналарини сурункали патологияси таҳлили ўтказилди. ЮРКА бўлган болаларни ота-оналарининг учдан бир қисмидан кўпроғида сурункали гастродуоденит борлиги – I- ва II-гурухларда 34,5% ва 45% мос равишда, сурункали холецистит - 27,3% ва 22,5%, ўт чиқариш йўллари дискенизияси - 21,8% ва 25%, сурункали тонзиллит - 27,3% ва 20%, артрит - 21,8% ва 15%, гипертоник касаллик - 27,3% ва 35%, ревматизм ва бошқа БТДК - 18,2% ва 10%, БТНБ - 10,9% ва 0%, бўғимлар гипермобиллиги (БГМ) - 7,3% ва 15% аниқланди.

ЮРКА ва юрак-қон томир патологиясиди болаларни умумий оилавий портретини қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, I-гурухдаги болаларнинг қариндошларида юрак-қон томир касалликлари (41,9%) II-гурухга нисбатан (26, 3%) кўпроқ учрайди. I-гурухдаги болаларни оиласининг авлодида жами қариндошларга нисбатан юрак-қон томир патологияси топилиши

қуйидагича: IV ва III -10,0%; II - 14,3%; I - 16,6%, ҳар бир концентр беморларининг умумий сонига нисбатан бу - IV-III – 26,2%; II - 34,3%; I - 39,6%. II-гуруҳ болаларининг наслини касалланиши нисбатан кам: IV- III- 7,5%; II – 9,2%; I – 9,5% ва шунга мос равишда ҳар бир концентрдаги беморларнинг умумий сонига нисбатан - IV - III – 28,6%; II - 34,9%; I – 36,4%. Наслий касалланиш она ва отанинг йўналиши бўйича бир хил кузатилган, ўғил ва қиз болалар оилаларида ҳам деярли бир хил.

Текширилган болаларнинг оналарини акушерлик анамнези таҳлил килинганда БТД мавжуд бўлганда ўлик туғилиш 14,5% ва 17,5% ишончли равишда ($p > 0,01$), бола тушиш 29,1% ва 20%, абортлар 12,7% ва 17,5% назорат гуруҳига нисбатан - 10 %, 10% ва 5% мос равишда кўпроқ кузатилган. I-гуруҳ болаларнинг оналарида ҳомиладорлик камқонлик билан кечган, БТД қанча кучли бўлса камқонлик ҳам оғирроқ ўтган (69,2% - 79,1% - 80%). Ўткир юқумли касалликлар 26,9% - 41,6% - 60% ҳолларда қайд этилди. БТД ни даражасига қараб мажбурий дорилар қабул қилиш 53,8% - 79,1% - 80%, аллергия 46,1% - 50% - 60% аниқланди. Асоратланган ҳомиладорлик асосан биринчи 3 ойлик даврида гестоз (34,6% - 37,5% - 40%), ҳомилани тушиш хавфи (15,4% - 20,8% -40%), нефропатия (7,7%-16,6%-20%), сурункали патологиянинг кучайиши (30,7% - 41,6% - 60%) кўринишида кўпроқ кузатилган. Туғруқ жараёни чақалоқларнинг асфиксияси билан БТДни даражасига боғлиқ 11,5% - 16,6% - 40% ҳолатда, тез туғилиш - 11,5% -12,5% -20%, туғруқ жарохати - 7,7% - 8,3% -20% асоратланган. Оналарда ҳомиладорликни ва туғруқни кечишидаги асоратлар 3 та ўрганилган гуруҳлар орасида БТД ва ЮРКА бор беморлар гуруҳида назорат гуруҳига қараганда ишончли равишда ($p < 0,01$) юқорилиги аниқланди.

БТД ва юрак-қон томир патологиясининг ривожланиш хавфи омилларининг аҳамиятини аниқлаш учун хавф омиллари ҳамда БТД ва юрак-қон томир патологияларининг шаклланиши ўртасидаги боғлиқликни миқдорий баҳоси ўрганилди. ЮРКА бўлган юрак-қон томир касаллиги ривожланишига таъсир кўрсатувчи хавф омиллар кучи, айниқса, камқонликда анча юқори ($OR = 5,23$), дори қабул қилишда ($OR = 4,61$), ҳомиладорлик даврида оналарни ўткир юқумли касалликларида ($OR = 4,25$), сурункали патологиянинг кучайишида ($OR = 3,83$) ва ҳомиладорлик гестозиди ($RR = 3,61$). Асоратланган туғруқларда ҳам юрак-қон томир патологиясининг юзага келиши юқори: асфиксияда ($OR = 2,49$), туғруқ жарохатида ($RR = 1,98$) ва тез туғилишда ($RR = 1,76$). Наслий фонга, ўтказилган ва ёндош касалликларга боғлиқ ҳолда ЮРКАли болаларда юрак-қон томир касаллигини шакллантириши хавфини баҳолаш, улар орасида узвий боғланиш борлиги аниқлади. Юрак-қон томир касаллиги бўйича ирсий патология ($OR = 7,59$), даврий пневмония ($OR = 5,36$), овқат ва дори аллергияси ($OR = 3,97$), камқонлик ($OR = 3,89$), ЛОР аъзолари касалликлари ($RR = 3,85$), тез-тез қайталоғчи ОРВИ ($RR = 4,71$).

Юрак ривожланишининг кичик аномалиялари бўлган болаларда клиник кўринишни ўрганиш шуни кўрсатдики, ЮРКА бўлган ва юрак-қон томир патологияси билан оғриган болаларда кўпроқ шикоят қилиниши аниқланди.

МҚП ва ЧҚАХ бирга мавжуд бўлган болалар юрак соҳасидаги оғриқларга, юрак уришига, цефалгия ва бош айланишига, тез чарчаш, хона ҳароратида ҳам совинқираш ҳисси ва қўлларни совуқ қотишига шикоят қиладилар. Бош айланиши тана ҳолатини ўзгартиришида ва 2/3 қисм болаларда бошни кескин буришда пайдо бўлди. Бошқа шикоятлар орасида, МАРС билан оғриган болаларнинг 15,8% да овқат қабул қилишдан қатъий назар қорин оғриғи кўринишидаги диспептик бузилишлар, жиғилдон қайнаш, ўнг қовурға остида оғирлик, тез тўйиниш ва қабзият бўлган. Тери оқариши МҚПли беморларда 49,2%, ЧҚАХли беморларда 32,0% ҳамда МҚП ва АХЛЖ бирга келганида 47,4% қайд этилди.

ЧҚАХ билан оғриган I-гурухдаги беморларда фенотипик аломатлар сезиларли даражада кўпроқ учради ($p < 0,05$), масалан: сколиоз туридаги қомат бузилиши - 73,1%, кифоз - 46,2%, бўғимлар гипермобиллиги - 100%, ясси оёқлик - 73,1%. II -гурухда I-гурух билан солиштирилганда ЧҚАХли болаларда куйидаги фенотипик аломатлар аниқланди: воронкасимон кўкрак қафаси деформацияси - 52,6%, сколиоз туридаги қомат бузилиши - 47,4%, кифоз - 36,8%, бўғимлар гипермобиллиги - 78,9%, товонни вальгусли маймоқлиги - 26,3%, ясси оёқлик - 73,7%. МҚПли I-гурухдаги болалар орасида куйидагилар устунлик қилди: воронкасимон кўкрак қафаси деформацияси - 57,1%, сколиоз туридаги қомат бузилиши - 85,7%, кифоз - 57,1%, бўғимлар гипермобиллиги - 85,7%, товонни вальгусли маймоқлиги - 42,8%, ясси оёқлик - 92,8%.

МҚПли II-гурух болаларида аниқланган: воронкасимон кўкрак қафаси деформацияси - 64,3%, сколиоз туридаги қомат бузилиши - 85,7%, кифоз - 21,4%, бўғимлар гипермобиллиги - 85,7%, товонни вальгусли маймоқлиги - 21,4%, ясси оёқлик - 100%.

МҚП ва ЧҚАХ бирга бўлган I-гурух беморларда: сколиоз туридаги қомат бузилиши - 65,5%, воронкасимон кўкрак қафаси деформацияси - 45,8%, ясси оёқлик - 82,9%, бўғимлар гипермобиллиги - 92,8%, товонни вальгусли маймоқлиги - 25,2%. II-гурухда: қомат бузилиши - 47,8%, воронкасимон кўкрак қафаси деформацияси - 58,4%, бўғимлар гипермобиллиги - 82,3%, ясси оёқлик - 86,8%, товонни вальгусли маймоқлиги - 23,8%.

ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бўлган болаларда фенотипик аломатларнинг (эктодермал, тери, тишлар) улуши юқори: ЧҚАХли беморларда 92,3% мушакларнинг гипотонияси ва барча аномалияларнинг 100% аниқланган. Геморрагик синдром ЧҚАХли беморларнинг 80,7% да ва МҚП билан оғриган беморларнинг 85,7% да кузатилган. ЧҚАХ (61,5%) ва МҚП (60,7%) бўлган беморларнинг ярмидан кўпида терининг юқори чўзилувчанлиги аниқланди. Беморларнинг учдан биридан кўпида ЧҚАХ (38,5%) ва МҚП (42,8%) умуртқаларни ўткир ўсиқлари устида терининг гиперпигментацияси аниқланган, ЧҚАХ (34,6%) ва МҚПда (25%) атрофик стриялар кузатилган.

Юрак-қон томир патологияси бўлмаган ЮРКА билан оғриган болаларда мушакларнинг гипотонияси каби симптомларнинг пайдо бўлиш миқдори

89,5% ва 100%, геморрагик синдром - 78,9% ва 100% ни ташкил қилади. Терининг юқори чўзилувчанлиги - 63,1%, 71,4%, 50% ва 100%, умуртқаларни ўткир ўсиқлари устида терининг гиперпигментацияси 63,1%, 71,4%, 100% ва 60%, болаларнинг учдан бир қисмида - кўзга кўринадиган вена тармоғи.

БТДни ташқи фенотипик (вистсерал) маркерларини учраш частотасини қиёслаганда, I-гурухда ЧҚАХ, ПҚҚли болаларнинг учдан биридан ортиғида ва трикуспидал қопқоқ пролапси (ТҚП) бўлган болаларнинг ярмида 4 тадан стигма кузатилди. Стигмаларнинг максимал 5 та сони - ЧҚАХ билан 5 болада ва МҚП билан 5 та болада қайд этилди. II-гурухда ЧҚАХ билан 1 дан 6 гача эмбриогенезнинг висцерал стигмаси қайд этилди, уларнинг учдан биридан кўпида 4 та стигма аниқланган. МҚП билан 3 дан 6 гача стигма, болаларнинг ярмида 4 та стигма аниқланган. ТҚПда болаларнинг ярмида 3 тадан 4 тагача стигма мавжуд. Бўлмачалар аро тўсиқ (БАТ) аневризмаси билан 1 та болада - 3 тадан стигма, 2 тада - 4 тадан ва 2 тада - 5 тадан стигма мавжуд.

I-гурухдаги болаларда 2 дан 7 гача эмбриогенезнинг эктодермал ва мушак стигмаси аниқланди. Шу билан бирга, ЧҚАХ, МҚП ва ТҚП билан оғриган беморларнинг мутлақ кўпчилигида 3 та стигма қайд этилган, ЧҚАХ билан битта беморда 7 та стигма аниқланган. II-гурух болаларида ЧҚАХ билан учдан бир қисмида ва МҚП билан ярмидан кўпида 4 тадан эктодермал ва мушак стигмаси аниқланди. Стигманинг максимал 8 та сони МҚП бўлган битта беморда ва ЧҚАХ билан оғриган 2 та беморда - 7 тадан стигма қайд этилди.

ЧҚАХ билан I-гурухдаги 47,3% болаларда 2 тадан 7 тагача эмбриогенезнинг суяк-бўғим стигмаси, МҚП билан 50,9% да аниқланди. ЧҚАХ билан болаларнинг аксари қисмида 5 тадан суяк-бўғим стигмаси топилган. Ўпка артерияси (ЎА) аневризмаси билан бир беморда 2 та стигма, БАТ аневризмаси билан 1 тада - 5 та стигма ва коронар ўнг қоринча фистуласи билан 1 та беморда - 6 та суяк-бўғим стигмаси қайд этилди. II-гурухда ЧҚАХ билан болаларнинг 47,5% да ва МВП билан 35,0% да эмбриогенезнинг 2-6 та суяк-бўғим стигмаси қайд этилди. МҚП билан болаларнинг ярмида 4 тадан, учдан бирида 5 та стигма аниқланди. ТҚПда болаларнинг ярмида 5 тадан, иккинчи ярмида 6 тадан суяк-бўғим стигмаси аниқланди. БАД аневризмаси билан 2 та беморда 4 тадан стигма, яна 2 тада 5 тадан суяк-бўғим стигмаси мавжуд.

Диссертациянинг тўртинчи “**Юрак ривожлантиришининг кичик аномалиялари билан болаларда лаборатор-инструментал текширувлар натижалари**” номли бобида - ЮРКА билан болаларда бириктирувчи тўқима метаболизми маркерларининг хусусиятлари, микроэлементлар баланси ҳолати, ЭКГ таҳлилига, холтер маниторингига кўра юрак-қон томир тизимидаги функционал ҳолатини баҳолаш ва юрак ичи гемодинамикаси параметрларини ўрганиш натижалари келтирилган.

ЮРКА бўлган болаларда қон зардободаги гидроксиполин (ГОП) таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бор беморларнинг қонида эркин ГОП даражаси юрак-қон томир патологияси бўлмаган ЮРКА билан оғриган беморларга нисбатан ишончли

равишда ($P < 0,05$) юқори ва мос равишда $29,4 \pm 2,4$ мкмоль/л ва $20,2 \pm 1,5$ мкмоль/л кўрсаткичга эга (2-жадвал).

БТДнинг оғирлик даражасини ортиши билан ГОП кўрсаткичининг ҳам ортиши қайд этилди: I-даражали БТД билан I-гуруҳда - $18,06 \pm 5,26$, II-гуруҳда - $15 \pm 0,6$ мкмоль/л, II-даражасида гуруҳлар бўйича мос равишда – $22,31 \pm 1,62$ ва $19,0 \pm 1,3$ мкмоль/л, III-даражасида эса – $36,50 \pm 1,32$ ва $27,0 \pm 1,8$ мкмоль/л. ГОП таркибининг динамикаси коллаген тўқимасида биокимёвий жараёнларнинг бузилишини кўрсатади.

2-жадвал

**Текширилаётган болаларнинг гуруҳларида қон зардобида
ГОП таркиби ($M \pm m$; мкм/л)**

Беморлар гуруҳлари	ГОПнинг ўртача кўрсаткичи
I-гуруҳ: ЮРКА юрак-қон томир патологияси билан	$29,4 \pm 2,4$ *
II – гуруҳ: ЮРКА юрак-қон томир патологияси бўлмаган	$20,2 \pm 1,5$
Назорат гуруҳи	$16,1 \pm 1,2$

Изоҳ: * - таққосланган гуруҳларнинг кўрсаткичлари орасидаги ишончлилиқ ($p < 0,05$).

Қон зардобида селен (Se), мис (Cu), марганец (Mn), ва магний (Mg) микроэлементларни миқдорини ўрганиш, юрак-қон томир патологияси билан асоратланган ЮРКАли беморларда юрак-қон томир патологияси бўлмаган болаларга нисбатан шу микроэлементларни қон зардобидаги концентрацияси камайиши билан характерланади (3-жадвал).

3-жадвал

**Ўрганилган гуруҳларда қондаги микроэлементларнинг
кўрсаткичлари**

Беморлар гуруҳлари	Se (мкг/г)	Cu (мкг/г)	Mn (мкг/г)	Mg (ммоль/л)
I-гуруҳ	$0,052 \pm 0,015$	$0,493 \pm 0,076$	$0,0056 \pm 0,0009$	$0,508 \pm 0,092$
II – гуруҳ	$0,067 \pm 0,014$	$0,592 \pm 0,071$	$0,0073 \pm 0,0016$	$0,585 \pm 0,083$
Назорат гуруҳи	$0,178 \pm 0,055$	$0,918 \pm 0,172$	$0,033 \pm 0,035$	$0,845 \pm 0,062$
P 1: 2	$> 0,01$	$> 0,01$	$> 0,01$	$< 0,05$
P 1: 3	$< 0,05$	$< 0,05$	$> 0,01$	$< 0,05$
P 2: 3	$> 0,01$	$< 0,05$	$< 0,05$	$> 0,01$

Изоҳ: p - текширилган болалар гуруҳлари кўрсаткичлари орасидаги ишончлилиқ.

ЮРКА бўлган ҳар икки гуруҳда БТД даражаси ортган сари микроэлементлар миқдори камайиб бориши тасдиқланди. Аниқланган микроэлементлар гемостазини бузилиши, ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бор болаларда кучлироқ эканлиги, юрак-қон томир тизими

асоратларига олиб келувчи сабаблардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Электрокардиография (ЭКГ) текширувларининг натижалари шуни кўрсатадики, ЮРКАли болаларда юракнинг ритми ва ўтказувчанлигини сезиларли даражада бузилишлари кузатилади. 8-12 ва 12-16 ёшли болаларда ритм ва ўтказувчанлик бузилишлари энг кўп учрайди. Аритмия ўғил болаларда қизларга қараганда кўпроқ кузатилагн ($p < 0,01$). Электрокардиографик текширувлар ва ЭКГнинг кунлик мониторинги ўтказилганда, ЮРКАли болаларнинг 30,8% да сезиларли аритмия аниқланди, текширилганларнинг 46,0% да аҳамиятсиз даражада ва фақат 23,2% болаларда ЭКГда ўзгаришлар кузатилмаган. Юракнинг ритми ва ўтказувчанлигини бузилишлари ЧҚАХ бор беморларнинг 67,2% ва МҚП бор беморларнинг 71,8% да қайд этилди. Синусли тахикардия кўринишидаги импульс ҳосил бўлишининг бузилиши ЭКГдаги кўпроқ аниқланадиган ўзгаришлардир: ЮРКА ва юрак-қон томир касалликлари билан беморларда - 50,9% ва ЮРКА ва юрак-қон томир касалликлари йўқ беморларда - 27,5%, синусли брадикардия мос равишда - 18,2% ва 7,5%. Миокардда реполяризация жараёнини бузилиши иккинчи ўринни эгаллади: ЮРКА ва юрак-қон томир касалликлари билан беморларда - 50,9% ва ЮРКА ва юрак-қон томир касалликлари йўқларла – 35,0%. ЮРКА билан юрак-қон томир патологияси бор гуруҳда ўтказувчанликни бузилиши учинчи ўринда: Гис тутами ўнг оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси (ГТЎОТББ) - 47,2% ($p < 0,01$) ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси (ГТЧОТББ) – 5,45%. Кейинги ўринда ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бўлмаган болалар гуруҳида аритмия - 43,6% ($p < 0,01$) ва гипоксик ўзгаришлар - 34,5% ва 12,5% туради. Контрол гуруҳдаги болаларда импульс пайдо бўлишини бузилиши синус тахикардия сифатида 10,0% да ва синус брадикардия 5,0% қайд этилди.

Холтер мониторинги давомида 76,8% болаларда ЭКГдаги ўзгаришлар қайд этилди. Кўпроқ I-гуруҳ беморларида қоринча усти экстрасистоласи учради - 28,1%, ягона қоринча экстрасистоласи - 21,8%, ритм бошқаруви миграцияси - 9,4%. Импульс ўтказувчанлиги бузилишлари ва аномалиялари гуруҳида энг кенг тарқалганлари куйидагилардир: 9,4% болаларда ГТЎОТББ 9,4%, I ва II даражали атриовентрикуляр блокадалар (AV - блокада) 9,4%. Қоринча ичи ўтказувчанликни бузилиши 28,1% болаларда аниқланган.

II-гуруҳ беморларида синусли ритмнинг бузилиши 47,8%, синусли тахикардия 34,8% ва синусли брадикардия 13% да қайд этилди. БТД даражасига қараб, синус тахикардияси III-даражали беморларнинг 50%, II-даражада 37,5% ва II-даражада 27,3% кузатилган. Синусли брадикардия II-даражали БТД бўлган беморларнинг 27,3% да кузатилган. Ўғил болаларда қизларга қараганда синус ритмининг бузилиши кўпроқ учрайди ($p < 0,01$).

Марказий гемодинамикани асосий параметрларини баҳолаш шуни кўрсатадики, тинч ҳолатда ЮРКАли болаларнинг эхокардиографик кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидаги болаларни кўрсаткичларидан фарқ қилмайди. ЮРКА бўлган ўспирин болаларларда ҚАТҚ, ЧҚОДҚ

кўрсаткичлари, ОДХ, ОСХ ўлчамлари таққослаш гуруҳига нисбатан ўзгаришсиз қолади. I ва II-гуруҳлардаги чиқариш фракциясининг параметрларида ишончли фарқ қайд этилди - МҚП $63,5 \pm 2,1\%$ ва $62,3 \pm 2,2\%$, ЧҚАХ $62,6 \pm 1,3\%$ ва $61,1 \pm 1,2\%$. ЮРКА бўлган болаларда чап қоринчанинг охириги диастолик ҳажмини (ОДХ) кўпайтириш тенденцияси кузатилди. Анчагина катта ОДХ ($p < 0,05$) эхокардиография томонидан тасдиқланган, айниқса МҚП бўлган беморларда. ОДХ ЮРКАли барча гуруҳларда кўпайган ($p < 0,05$). МҚПда МҚ этишмовчилиги $6,75\%$, II-даражали митрал қайтиш $24,8\%$ ҳолатда кузатилган.

Трикуспидал қопқоқ (ТПҚ) дисфункцияси ЮРКА бўлган болаларда $38,7\%$ ҳолларда учрайди. МҚПда ТПҚ дисфункцияси ҳар иккинчи болада қайд этилди ва $51,2\%$ ни ташкил этди. $30,2\%$ ҳолатларда I-даражада ТПҚ регургитацияси, II-даражада $9,7\%$ қайд этилган. Таъкидлаш лозимки, МҚП бор болаларнинг $2/3$ қисмида ТПҚ дисфункцияси, ЧҚАХ борларда эса ҳар иккинчи беморда аниқланган. МҚП ва ЧҚАХда учрайдиган митрал регургитациянинг устунлик даражаси бу I-даражадаги регургитациядир ($p < 0,001$). ЮРКАли ўсмирларда специфик (ЭхоКГ маълумотига асосан ўзгаришлар) ва носпецифик эхокардиографик белгилар (чап қоринча ва ФВнинг ОДХсини ортиши) БТД мавжудлигидан ва бошланғич миокард гиперфункциясидан далолат беради.

Шундай қилиб, ЮРКА бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини ташхислашда хавф омиллари маълумоти, клиник-фенотипик белгилари аниқланди. Коллаген тўқимасида аниқланган биокимёвий жараёнларнинг бузилиши ҳамда касалликнинг клиник кўриниши ва минерал дисбаланс ўртасидаги боғлиқликни тавсифловчи белгилар оғирликни баҳолашда муҳим мезон ҳисобланади. Юрак кичик аномалияси бўлган болаларда тизимли қон оқими холати юрак-қон томир тизимининг мослашув имкониятларининг пастлигини кўрсатиб беради. Юрак ритмининг бузилиши ҳам юрак фаолияти самарадорлигини пасайишига олиб келади.

ХУЛОСА

1. Текширилган болаларда ЮРКАнинг тузилишида энг кўп учрайдиган касалликлар - МҚП ($50,9\%$) ЮРКА ва юрак-қон томир патологияси бўлган болалар гуруҳида, ҳамда МАРС ва юрак-қон томир патологиялари бўлмаган болалар гуруҳидаги 35% ва ЧҚАХда мос равишда - $47,3\%$ ва $47,5\%$ ни ташкил қилиши тасдиқланди. ЮРКА бўлган болаларда аритмик синдром юрак-қон томир патологиясида етакчи ҳисобланади;

2. ЮРКА бор болаларда юрак-қон томир патологияси ривожланишига таъсир қилувчи хавфли омиллар кучи қуйида ҳолатларда юқори бўлади: юрак-қон томир касаллиги бўйича наслий хавф бўлса ($OR=7,59$), оналардаги камқонликда ($OR=5,23$), ҳомиладорлик давридаги ЎРВИ ($OR=4,25$), оналардаги сурункали патологиянинг зўрайиши ($PR=3,83$), оғир гестозларда

(PP=3,61). Болалардаги хавфли омиллар қайталовчи пневмония (OP=5,36), аллергия (OP=3,97) ва анемия (OP=3,89) хисобланади;

3. БТДнинг баъзи фенотипик белгиларининг комбинацияси юрак ривожланишининг кичик аномалиялари ва юрак-қон томир патологияларига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди. ЮРКА бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини ташхислаш ва прогноз қилишда кўкрак кафаси деформацияси - 92,7%, қоматнинг бузилиши - 73,1%, бўғимларни гипермобиллиги - 100%, мушаклар гипотонияси - 92,3%, геморрагик синдром - 80,7%, остеопения - 73,1%, ЮРКАнинг бошқа вариантлар билан биргаликда келиши - 53,8% катта ахамиятга эга;

4. Бириктирувчи тўқима дисплазиясининг ташқи ва юрак стигмаларини юқори даражада тарқалиши аниқланди. Кардиал стигматизациянинг чегара даражаси ўрнатилди, унинг ошиб кетиши болалар соғлиғини шаклланишига салбий таъсир қилувчи омилдир. Юрак кичик аномалияларини ташхиси учун бириктирувчи тўқима дисплазиясининг учта стигмаси аниқланиши юқори чегара даражаси хисобланади;

5. ЮРКА фонида юрак-қон томир патологияси бўлган болаларда ўтказилган лаборатор-инструментал текширувларнинг диагностик қимматли натижалари қон зардобида ГОПнинг ўртача миқдорини кўтарилиши, қонда селен, мис, марганец ва магний концентрациясининг пасайиши, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг бузилиши, чап қоринча ОДХси ва ЧФнинг кўпайиши хисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХРАРОВА ФЕРУЗА МАХМУДЖАНОВНА

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ
ФОРМИРОВАНИЯ СЕРДЕЧНО - СОСУДИСТОЙ ПАТОЛОГИИ У
ДЕТЕЙ С КАРДИАЛЬНЫМИ ПРОЯВЛЕНИЯМИ ДИСПЛАЗИИ
СОЕДИНИТЕЛЬНОЙ ТКАНИ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib558.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Муратходжаева Акида Валиевна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Шамансурова Эльмира Амануллаевна доктор медицинских наук, профессор Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2020 года).

А.В. Алимов,
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор

К. Н. Хаитов,
ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Д.И. Ахмедова,
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Актуальность проблемы дисплазии соединительной ткани (ДСТ) определяется значительной распространенностью малых аномалий, в частности, кардиальных ее проявлений. По статистическим данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...малые аномалии развития сердца встречаются от 2,2 до 10% случаев, у детей с патологией сердечно-сосудистой системы – в 10–25% случаев (до 68,9% в зависимости от контингента обследуемых) ...»³. В последние годы наметилась тенденция к увеличению количества детей с функциональными расстройствами сердечно-сосудистой системы, в том числе нарушений ритма и проводимости, а также врожденных аномалий развития. Все более четко определяется связь между кардиологической патологией у детей и их родителей, наследственная предрасположенность ко многим кардиологическим заболеваниям, что требует новых подходов к их профилактике. Малые аномалии развития сердца (МАРС) – одно из проявлений ДСТ. Согласно литературным источникам МАРС встречаются значительно чаще, чем это предполагалось ранее, но исследования в основном касаются наиболее часто встречающихся её форм. Это пролапс митрального клапана – 37-38%, пролапс трикуспидального клапана – 87%, изолированная ложная хорда левого желудка – 94%.

В мировой практике ведутся научные исследования по изучению особенностей течения ряда заболеваний на фоне ДСТ, по ведению пациентов с различными вариантами МАРС, разрабатываются принципы лечения и реабилитации больных с различными заболеваниями на фоне МАРС. Несмотря на большой интерес к проблеме МАРС за последние годы, многие вопросы, касающиеся формирования кардиоваскулярной патологии у детей с МАРС до настоящего времени остаются малоизученными.

В нашей стране особое внимание уделяется социальной охране населения, в частности ранней диагностике, профилактике и снижению частоты осложнений заболеваний у детей. В комплексе мер по коренному усовершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан указаны «...расширение доступа к качественной медицинской помощи для матери и ребенка, предоставление специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи и снижение младенческой и детской смертности»⁴.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан и за № УП-5590

³World Health Organization [Internet]. United Nations to establish WHO-led interagency Task Force on the Prevention and Control of Noncommunicable Diseases. Geneva: WHO; 2013.

⁴Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.06.2017 г. N ПП-3071 "О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы".

от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», № ПП-3340 от 25 декабря 2017 года «Государственная программа по раннему выявлению врожденных наследственных заболеваний на 2018–2022 годы» и № ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VI. «Медицина и фармакология».

